Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

12 октябрь, шанба, 1996 йил
Сотувда эркин нархда. № 208 (1460)

Бугуннинг гапи

## МАДАНИЙ АЛОҚАЛАРИМИЗ РИВОЖЛАНМОҚДА

***Мамлакатимизда Германия маданияти кунлари давом этмоқда. Шу тадбир доирасида Ўзбекистон Халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмасида Германиянинг К. Бах номли музика гимназияси директори Дитер Эберт бошчилигидаги делегация аъзолари билан республикамизнинг В. Успенский номли мусиқа мактаби ўқувчилари ўртасида учрашув бўлиб ўтди.***

Учрашувда сўзга чиққан уюшма раиси М. Мирқосимов, Германиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Райнхарт Биндзайл ҳамда «Ўзбекистон-Германия» дўстлик жамияти фаоллари икки мамлакат ўртасида сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги алоқаларнинг тобора ривожланиб бораётганини қайд этиб, мазкур тадбир Шарқ ва Ғарбни ўзаро боғловчи дўстлик кўприги бўлиб хизмат қилишини мамнуният билан таъкидладилар.

(ЎзА)

## ПАХТА БЎЙИЧА ЖАҲОН АНЖУМАНИ:

# СТРАТЕГИЯ ВА ТАКТИКА БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

### 11 октябрь куни Тошкентда Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитасининг 55-ялпи мажлиси ўз ишини якунлади



Анжуман очилиши пайтида Ўзбекистон Президентининг сўзлаган нутқида бу тадбирнинг жуда катта аҳамиятга эга эканлиги айтилган эди.

Сайёрамиздаги пахта маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва истеъмол қилувчи 50 мамлакат иштирок этган анжуманнинг натижалари бу фикрни тасдиқлади. Мажлис иштирокчиларига яхши жиҳозланган «Интер-континентал» меҳмонхонасида ғоят қулай шароит яратилди, пахтани қайта ишлаш корхоналарини, республикамиз пахта далаларини бориб кўриш имкони берилди. Мутахассислар жаҳон пахта бозори муаммолари, уларни ҳал қилиш йўллари хусусида фикрлашдилар, бу муҳим техника экини ҳосилдорлигини оширш, сайёрамиз аҳолисини пахта толаси ва пахтани қайта ишлаш маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш тажрибаларини ўртоқлашдилар.

Якунловчи мажлис Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов раислигида ўтди. У ўз нутқида ялпи мажлиснинг маъмурий қўмитаси мазкур мажлис иштирокчилари номидан баёнот қабул қилганини, унда жаҳонда пахтачиликни ривожлантиришнинг стратегия ва тактикаси, пахтачилик муаммолари ва истиқболлари акс этганини таъкидлади. Узоқ муддатга мўлжалланган бу ҳужжат пахта билан боғлиқ ҳозирги вазиятни аниқ акс эттиради ва пахта етиштирувчи ҳамда пахта маҳсулотларини истеъмол қилувчи мамлакатларнинг биргаликдаги ҳаракатларининг аниқ дастури бўлиб хизмат қилади. Якунловчи мунозарада сўзга чиққан делегацияларнинг вакиллари мазкур халқаро учрашув дунёда пахта етиштиришнинг ҳолатини белгилаб берадиган жуда муҳим масалаларни кўриб чиқишга имкон берди, деган якдил фикрни айтдилар, пахта иқтисодиёти сари янада изчилроқ ҳаракат қилиш объектив зарурат эканини таъкидладилар. Сайёрамизнинг барча қитъаларининг вакиллари сифатида анжуманда иштирок этган делегатлар учрашув юксак даражада ташкил этилганини қайд этиб, тараққиёт йўлидан дадил бораётган Ўзбекистон халқининг ҳаёти ва маданияти билан яқиндан танишиш имконияти берилгани учун Ўзбекистонга, унинг ҳукуматига миннатдорлик билдирдилар. Мамлакатимиз пахтакорларининг катта ютуқлари алоҳида таъкидланди.

Ялпи мажлис иштирокчиси — Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг раҳбари, академик С. Усмоновнинг фикри билан танишинг:

— Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитаси беш кун ишлади. Иш кунларининг дастури жуда тиғиз бўлди. Бу нуфузли ялпи мажлисда иштирок этиб, Ўзбекистон пахта етиштиришда жаҳонда бешинчи ўринда ва уни экспорт қилишда иккинчи ўринда турганидан фахрландик. Чунки 90 дан ортиқ давлатда пахта етиштирилади, 110 тадан ортиқ мамлакат пахта маҳсулотидан фойдаланади. Пахта етиштирувчилар ҳам, истеъмол қилувчилар ҳам муштарак муаммоларни муҳокама қилиш учун Тошкентда тўпланди. Деярли барча делегатлар анжуманнинг самарали ишлаши ташкил этилгани учун миннатдорлик билдириб, пахтакорларимизнинг катта ютуқларини таъкидлади. Ҳозир пахтакорларимиз бутун дунёга машҳур хорижий меҳмонлар бизнинг пахтамиз Европа ва Америка бозорларида асосий ўринда туришини, юқори сифатли бўлгани учун қадрланишини таъкидлашди. Бу — улкан мутахассисларнинг айтган гапларидир. Президентимиз ялпи мажлис очилган кунда сўзга чиқиб, Ўзбекистон пахта етиштирувчи етакчи мамлакатлардан бири эканини таъкидлаб, пахтачилик соҳасида бизнинг сиёсат ва дастуримизни, пахтачиликни ривожлантиришнинг иқтисодий чора-тадбирларини белгилаб берди. Мажлис иштирокчилари бу нутқни юксак баҳоладилар.

Ўзбекистон 1992 йилда Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитасига аъзо бўлган эди. Мазкур анжуман иштирокчилари фикрига кўра, ҳозир мамлакатимиз бу нуфузли жаҳон ташкилотининг муносиб иштирокчисига айланган. Навбатдаги ялпи мажлисни келгуси йилнинг октябрида Парагвайда ўтказишга қарор қилинди.

(ЎзА).

## *СЎЗ — МАЖЛИС ИШТИРОКЧИЛАРИГА:*

**Андрей ГЮЧЕНС, Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитаси ходими — АҚШ.**

— Бундай анжуманнинг айнан Ўзбекистонда ўтганига сабаб бор, албатта. Чунки Ўзбекистон 1992 йилдан буён мазкур маслаҳат қўмитаси аъзоси. Пахта экспорт қилиш бўйича нуфузли ўринлардан бирини эгаллайди. Бундан ташқари экспортга минглаб тонна пахта ёғи жўнатади. Ғўзапоядан чиққан қоғоздан эса ҳатто пул босиш ҳам мумкин.

Ҳамма қатори мен ҳам ўз ватанимга шу қисқа муддат ичида Ўзбекистондан бир олам таассуротлар билан қайтаётганимдан жуда хурсандман. Чунки йиғилишни ташкил қилганлар учрашув қатнашчилари учун ҳамма шарт-шароитларни муҳайё этишди. Шунинг учун учрашув жуда муваффақиятли ўтди, десам муболаға бўлмайди.

**Зокир ҲУСАЙН, Покистондан ташриф буюрган гуруҳ бошлиғи:**

— Ўзбекистондаги бу йиғилишнинг аҳамияти беқиёс. Чунки бутун дунё бўйича пахта хомашёси муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли биз йиғилишларда пахтачилик фаолиятини яхшилаш, 2000 йилгача пахта нархлари таҳлили, қисқа пахта мавсуми мавзусидаги муаммолар тўғрисида маърузалар тингладик. Уни қандай ҳал қилиш бўйича келишиб олдик.

Ўзбекистон билан Покистон ўртасида пахта етиштириш ва уни сотиш бўйича ҳамкорлик масаласида ҳам икки томонлама фойдали ишлар қилинди. Ўйлайманки, яна икки ҳафтадан сўнг Покистон Президентининг Ўзбекистон диёрига ташрифи бу борадаги алоқаларимизнинг янада ривожланишига хизмат қилади.

**Ғулом ЮСУПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИНИ ЖАҲОН БОЗОРИГА ОЛИБ ЧИҚИШ ЛОЗИМ

***Европа энергетика хартиясининг шу ташкилот бош котиби Петер Шюттерле бошчилигидаги делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи ниҳоясига етди. Ташрифнинг сўнгги куни — 11 октябрда делегация аъзолари Вазирлар Маҳкамасида бўлган давра суҳбатида Ўзбекистоннинг энергетикани ривожлантириш масалаларини ҳал қилиш билан шуғулланадиган вазирлик ва идоралари вакиллари билан учрашдилар. Учрашувни республика Бош вазирининг ўринбосари К. Раҳимов бошқарди.***

Учрашув иштирокчилари Ўзбекистонда нефт қазиб чиқариш тармоғи жадал суръатлар билан ривожланаётганини, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг қисқа даврда нефт маҳсулотларини импорт қилувчи мамлакатдан уларни экспорт қилувчи давлатга айланганини, шу тариқа мамлакатнинг энергетика мустақиллиги таъминланганини таъкидладилар. Республикада тегишли қонунлар ўз вақтида қабул қилингани бунда катта аҳамиятга эга бўлди. Бу қонунлар мамлакат энергетикасини ривожлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий негиз яратди, сармоя солиш учун қулай шароитни таъминлади. Айни шу сабабли ҳам нефть ва газни қазиб чиқариш ва қайта ишлаш билан шуғулланаётган жаҳондаги етакчи компаниялар Ўзбекистоннинг бу тармоғига зўр қизиқиш билан қарамоқда ва уни ривожлантиришга анча маблағ сарфлашга тайёр. Бу маблағлар сарфлана бошланди ҳам.

Давра суҳбати иштирокчилари Ўзбекистоннинг Европа энергетика хартияси билан ҳамкорлиги республиканинг жаҳон энергия ресурслари бозорига муваффақиятли кириб боришига кўмаклашади, деган якдил фикрни айтдилар.

Европа энергетика хартияси делегацияси аъзолари шу куни «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорациясида бўлдилар, республика пойтахтининг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар.

(ЎзА).

## ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТДА СУД ҲОКИМИЯТИ

***Ўзбекистон Конституциявий судининг раиси Б. Эшонов, Олий суд раиси У. Мингбоев ва Олий хўжалик суди раиси М. Абдусаломовдан иборат республика ҳуқуқшунослари делегацияси олий мақом судяларнинг халқаро конференциясида иштирок этиб қайтди.***

«Марказий ва Шарқий Европа, Болтиқбўйи, Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатлари Конституциявий ва Олий судлари» деб аталган бу анжуман октябр ойининг бошларида Америка Қўшма Штатларининг пойтахти Вашингтонда ўтказилди.

Учрашув АҚШдаги демократия учун кураш маркази ташаббуси билан уюштирилди. Анжуман ишида инсон ҳуқуқлари бўйича Европа комиссияси, инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, Европа кенгаши парламент ассамблеяси, Америка Федерал суд маркази вакиллари, шунингдек 35 мамлакатдан судялар иштирок этди.

Икки кунга мўлжалланган дастурга мувофиқ, учрашувда демократик жамиятда, айниқса ўтиш босқичида суд ҳокимиятининг тутган ўрни, фуқаро ва жиноят қонунлари талқини, суд қарорларини ижро этиш муаммолари, миллий судларда халқаро қонунларни қўллаш, судларнинг фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинлигини ҳимоя қилиши, шунингдек судловнинг бошқа жиҳатларига тааллуқли хилма-хил масалалар муҳокама қилинди.

(ЎзА).




## АФҒОНИСТОНДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

***«БИ-БИ-СИ» радиосининг айтишича, Афғонистон шимолида, яъни Кобулдан юқорида шиддатли жанглар давом этмоқда.***

Ўтган ой охирида пойтахтни қўлга киритган «Толибон» ҳаракати Баграм шаҳарчасида қўзғолон юз бергани, аммо уни бостиришга муваффақ бўлгани ҳақида маълум қилди. Ўз навбатида Баграмдаги «Толибон» аскарлари мухбирлар билан суҳбатда ағдарилган афғон ҳукумати қўшинлари маҳаллий аҳоли ёрдамида қайта ҳужумга ўтганларини билдирдилар. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўз хавфсизлигини таъминлаш учун Кобулдаги ўз ходимларини қўшни Покистонга жўната бошлади.

Рейтер агентлиги хабарига қараганда, «Толибон» ҳаракати бугунги кунга келиб Афғонистоннинг учдан икки қисмини, шу жумладан пойтахтни қўлга киритган бўлса-да, бу билан фуқаролар уруши тўхтамайди. Афғонистон учун энг хатарли нарса шуки, ҳозирги пайтда мамлакат шимол ва жанубга бўлинган. Аммо минтақадаги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг махсус элчиси Мери Гоудринининг айтишича, ҳозирда вужудга келган вазият, афғон гуруҳларини тинч музокараларни бошлашга мажбур этиши керак.

## ҚАДИМИЙ ТОПИЛМА

***Сувайшнинг жанубий қирғоқларидаги Фараон оролидан афсоновий Салоҳиддин ал-Айюб даврида бунёд этилган обиданинг қолдиқлари топилди.***

Бу ҳақда Қоҳирада Миср қадимияти бўйича Олий кенгаш раиси Али Ҳасан баёнот берди. Унинг айтишига қараганда, қалъа минораси қолдиқларидан ташқари Миср султони ва буюк саркардаси даврига оид кўплаб маданий ёдгорликлар ва предметлар топилган. Бу нарса исроиллик олимларнинг Қуддусдан Салбчиларни қувиб чиқарган Салоҳиддин Сувайшнинг фақат шимолидагина мудофаа қалъаларини бунёд қилган, деган фикрини йўққа чиқарди. Ушбу топилма ҳақидаги хабарни Итар-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатди.

## ҚАЛБАКИ КОМПЬЮТЕРЛАР

***Сингапурдан сотиб олган компьютерингиз техник ҳужжатларида кўрсатилганидан икки-уч баробар паст тезликда ахборотни қайта ишласа, ҳеч ҳам ҳайрон бўлманг.***

Гап шундаки, маҳаллий йўлгирлар «Интел» корпорациясида ишлаб чиқарилган «Пентиум» қурилмаларини сотиб олиб, компьютерларни ўзларича «такомиллаштиришган». Буларнинг барчаси унчалик катта бўлмаган, аммо замонавий аппаратураларга эга бўлган заводда кўплаб ишлаб чиқарила бошланган. Жиноят қидирув департаментининг ходими тасодифан ушбу заводга қочиб юрган жиноятчини ахтариб кирмаганида Сингапурлик «тадбиркор»лар бундай компьютерларни кўплаб ишлаб чиқаришган бўлармиди? Ҳозир заводнинг эгаси ва яна 8 нафар киши қамоққа олинди. Бундай товламачилик учун Сингапур қонунлари 7 йил қамоқ жазосини кўзда тутади.

## ЎЗИГА ХОС МУСОБАҚА

***Машҳур швед теннисчиси Бьерн Борг ёшлигида хоккейчи бўлишни орзу қилган экан.***

Аммо у Уимблдон теннис турнирида кетма-кет беш марта ғалаба қозониб, дунёга машҳур теннисчи бўлиб танилди. Унинг 40 ёшлиги муносабати билан она шаҳрида ўтказилган ўзига хос хоккей мусобақасида Бьерн Борг илк бор муз майдонига чиқди. Қизиғи шундаки, у билан бирга Швециянинг бошқа машҳур спортчилари: тоғ чанғиси бўйича афсонавий спортчи Ингемар Стенмарк стол тенниси бўйича Олимпиада чемпиони Ян-Уве Вальднер, футбол бўйича охирги жаҳон чемпионатининг «бронза» медали соҳиби Томас Брулин ҳам хоккей таёғини кўтариб муз майдонига чиқишди.

# ЎЗБЕКИСТОН: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабар қилади

## ЭЛЧИХОНАДА УЧРАШУВ

***Ўзбекистон Республикасининг Покистондаги элчихонасидан олинган хабарга қараганда, у ерда Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.***

Тантанага мазкур мамлакатнинг давлат ва жамоат арбоблари, фан ва маданият вакиллари, Исломободдаги дипломатия ваколатхоналарининг ходимлари таклиф этилган эди.

Учрашув барчада катта қизиқиш уйғотди. Соҳибқирон юбилейини нишонлаш учун Америка Қўшма Штатлари, Россия Федерацияси, Испания, Корея, Марказий Осиё давлатлари элчилари ташриф буюрди. Юбилей кечасида Покистон ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Нажимуддин Шайх иштирок этди. Учрашув иштирокчилари Амир Темур ҳаёти ва фаолияти тўғрисида ҳикоя қилувчи материаллар билан танишдилар.

Ўзбекистон Республикаси элчихонаси юбилей кечаси иштирокчилари шарафига қабул маросими ўтказди.

## ГУВОҲНОМА ҲАМ ОЛИШАДИ

***Нукус шаҳридаги М. Нурмуҳамедов номли мактабда ташкил қилинган янги махсус банк синфида 25 нафар ўқувчи таълим олмоқда.***

Ўқувчилар тест синови асосида танлов йўли билан қабул қилиндилар. Улар ҳар ҳафтада оддий ўқувчиларга нисбатан 5 соат кўп ўқишади. Иқтисод, математика, психология, чет тили фанларини ўрганишга алоҳида эътибор берилиб, компьютерларга кенг ўрин ажратилган.

Синф битирувчилари аттестат билан бирга «Кичик банк ходими» гувоҳномасига ҳам эга бўлишади.

## МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

***Бухородан Россиянинг Красноярск ўлкаси томон вилоят миришкорлари етиштирган қовун-тарвуз ҳамда мевалар ортилган юк автомобиллари карвони йўлга чиқди.***

Красноярск ўлка матлубот жамияти билан ўзаро ҳамкорлик бўйича қатор манфаатли шартномалар тузилган. Келишувга биноан, Красноярскка 160 тоннадан зиёд куз неъматларидан иборат биринчи карвон жўнатилди. Эвазига қурилиш материаллари ва ёғоч олиб келинади.



***Хонқа пахта тозалаш заводи қошида Россиянинг Шуя шаҳридаги ип-йигирув ва тўқув фабрикаси билан ҳамкорликда ташкил этилган қўшма корхона ҳозирда дока, бўз, техник пахта сингари ўнлаб турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқара бошлади.***

***СУРАТДА: ип йигирувчилар Нигора ва Ўлмасхон Худойбергановалар иш устида.***

**Ш. ИБРОҲИМОВ** олган сурат.

## «ДОВУДПЛУГ»

***Арнасойлик муҳандис Довуд Сиддиқов антиқа плуг ихтиро қилди. Ҳозирга қадар ишлатиб келинаётган плугларнинг чимқирқар қисмларини олиб, алоҳида рамага тўрттадан жуфт-жуфт қилиб ўрнатди.***

Қишлоқ хўжалик экинлари экиш учун ер тайёрлашда дастлабки синовдан ўтган бу плуглар катта иқтисодий самара бериши аниқланди. Жумладан, одатдаги плуглар «Олтой» тракторига тиркаб ишлатилганда 60 литр ёқилғи сарфласа, бу ихчам плугларни «МТЗ-80», «Белорусь» тракторлари билан тортганда 26 литр ёқилғи тежаб қолинаркан.

Довудбек ясаган бешта плуг шу йилнинг ўзидаёқ «Андижон» деҳқон-фермер хўжалигида икки миллион сўмлик маблағни тежаш имконини берди.

Рамзий маънода бу ихтирони «Довудплуг» деб атадик. Уни ишлаб чиқаришга кенг жорий қилса арзийди.

## ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1996 йил 11 октябрда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банклари иштирок этди.

***Сотув ҳажми 19,71 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати 40,05 сўм даражасида қайд этилди.***

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1996 йил 12 октябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: *)

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 31,60 |
| 1 Австрия шиллинги | 3,73 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 62,72 |
| 10 Бельгия франки | 12,72 |
| 1 Голландия гульдени | 23,37 |
| 10 Греция драхмаси | 1,67 |
| 1 Дания кронаси | 6,84 |
| 1 БАА дирхами | 10,91 |
| 1 АҚШ доллари | 40,05 |
| 1 Миср фунти | 11,80 |
| 1 Ирландия фунти | 64,34 |
| 1 Исландия кронаси | 0,60 |
| 10 Испания песети | 3,11 |
| 100 Италия лираси | 2,63 |
| 1 Канада доллари | 29,62 |
| 10 Хитой юани | 4,83 |
| 1 Кувайт динори | 133,54 |
| 100 Ливан фунти | 2,58 |
| 1 Малайзия ринггити | 15,98 |
| 1 Германия маркаси | 26,21 |
| 1 Норвегия кронаси | 6,16 |
| 1 Польша злотийси | 14,26 |
| 10 Португалия эскудоси | 2,59 |
| 1 Сингапур доллари | 28,44 |
| 1000 Туркия лираси | 0,43 |
| 1 Финляндия маркаси | 8,77 |
| 1 Франция франки | 7,75 |
| 1 Швеция кронаси | 6,08 |
| 1 Швейцария франки | 32,05 |
| 1 ЭКЮ | 50,09 |
| 10 Жанубий Корея вони | 0,48 |
| 10 Япония иенаси | 3,60 |
| 1000 Россия рубли | 7,38 |
| 1 Украина гривнаси | 22,63 |
| 1000 Белорусь рубли | 2,72 |
| 1 Эстония кронаси | 3,27 |
| 1 Латвия лати | 72,03 |
| 1 Литва лити | 10,01 |
| 1 Қозоғистон тенгеси | 0,58 |
| 1 Қирғизистон соми | 2,93 |

***) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.***

Ваколатли банклар эркин муомаладаги нақд валютани айирбошлаш шохобчалари орқали сотишда уларнинг сотиш ва харид қилиш қийматини талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгилайдилар. Валютани аҳолидан сотиб олишда воситачилик ҳақи олинмайди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Кейинги пайтда айрим шахслар томонидан бўлажак пул ислоҳоти ва пул алмаштирилиши тўғрисида миш-мишлар тарқатилмоқда.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки шуни қатъий таъкидлайдики, бу миш-мишлар ҳеч қандай асосга эга эмас. Миллий валютамиз — сўм Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона қонуний тўлов воситасидир ва пулни алмаштириш учун ҳеч қандай иқтисодий асос мавжуд эмас.

Марказий банкнинг асосий вазифаси миллий валюта барқарорлигини таъминлашдан иборатдир. Ҳозирги пайтда ўтказилаётган пул-кредит сиёсати иқтисодиёт ва молиявий тизимнинг барқарорлашувини таъминлашга йўналтирилган ҳамда у халқаро молия ташкилотлари томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

## ИККИНЧИ НАВБАТИ ҚУРИЛАЯПТИ

Риштон туманида «Қашқарён-Силкитма» сув сақлаш ҳавзасининг биринчи навбати фойдаланишга топширилди. Бунинг натижасида туман маркази ишчилар шаҳарчаси, Қашқарён, Фурқат, Шокирота, Даҳбед маҳаллалари аҳолиси тоза ичимлик сув билан тўла таъминланди. Айни пайтда ҳавзанинг иккинчи навбатини қуриб битказиш ишлари жадал бормоқда. Унинг ишга туширилиши тумандаги яна бир қатор қишлоқларни тоза сув билан таъминлаш имконини беради.

## ШОЛИКОРЛАР ЗАФАРИ

Қораўзак тумани А. Дўстназаров номидаги қишлоқ хўжалик ижарачилар уюшмасининг Қ. Есимуродов бошлиқ деҳқон-фермер хўжалиги шоликорлари Қорақалпоғистонда биринчи бўлиб йиллик шоли тайёрлаш топшириғини бажарди. Хирмонга 240 тонна сара шоли йиғилди. Ҳосилдорлик ўртача 37 центнерни ташкил этди. Жамоа аъзолари бу кўрсаткични 50 центнерга етказиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

• *Ғаллачилик муаммолари*

# ҚОҒОЗДАГИ ЕРЛАР

## Улар қанча зиён келтиряпти?



***Собитқадамлик билан олиб борилаётган ғалла мустақиллиги учун кураш яхши натижалар беряпти. Бироқ бу соҳада айрим муаммолар ҳам борки, у умумий ишга тўсқинлик қилаётир.***

— Аввало, шуни айтиш керакки, — дейди «Оҳангарон» ҳиссадорлик жамияти бошқарувининг раиси Шунқор Умирзоқов, — гектаридан 35-40 центнердан ҳосил кўтариб, режани ортиғи билан уддалаётган хўжаликлар ҳам баъзан кутилган иқтисодий самарага эришолмаяпти. Масалан, бу йилги мавсумда давлатга ғалла топшириш режаларини бажаролмаган хўжаликлар ҳисобига биз ўз эҳтиёжимиз учун уруғликка олиб қўйган ғалламизни топширишга мажбур бўлдик.

— Бизни ҳам бир муаммо кўпдан бери қийнаб келади, — дейди «Ангрен» ширкат жамоасининг раиси Тўлқин Тўраев. — 1987-93 йилларда хўжалигимиз ҳудудидаги 545 гектардан зиёд бўз ер ўзлаштирилиб, суғориладиган майдонлар сирасига киритилган. Афсуски, вилоят ер ўзлаштириш бошқармаси, «Тошмелиосувқурилиш» ташкилоти ва Оҳангарондаги 4-механизациялашган кўчма жамланманинг айби билан ўша «суғориладиган ер» фақат қоғоздагина ўзлаштирилган бўлиб, аслида унга мутлақо сув чиқмайди. Шунинг учун суғориладиган ер хўжалигимиз ҳисобида ҳам, юқори ташкилотлар рўйхатида ҳам анча кўп. Амалда эса оз.

Биз хўжалик раҳбари билан ўша майдонларни кузатиб чиқдик. Аксари жойларда сув оқиши лозим бўлган қувурлар бирбирига уланмаган, ер каррозиясига қарши бўлмаган, жойларда қувурлар мутлақо нотўғри ётқизилган.

Оқибатда юқорида номлари зикр этилган ташкилотларнинг раҳбарлари тасдиқлаган ер майдонининг 230 гектарига умуман сув чиқмайди. Шунинг учун хўжалик кейинги бир йилнинг ўзида бу ерлар ҳисобига 12 миллион сўм зарар кўрди. Аксари майдонларда қўйилган сувтортгичлар ишламайди. Ҳолбуки, ўтган йилдан бери «Ангрен» ширкат жамоасининг ерларини суғориладиган майдонлар сирасига киритиш учун вилоят ва туман сув хўжалиги ташкилотлари раҳбарлари хўжаликда жуда кўп йиғилишлар ўтказишди. Ҳар сафар яқин бир ҳафтада ерларнинг суғориладиган бўлишига «кафолат» бериб кетишди-ю, лекин ҳалигача бир қарич ерда ҳам ўзгариш бўлгани йўқ.

Кузатишлар шуни исботладики, «ўзлаштирилиб, суғориладиган ерлар сирасига киритилди», дея вилоят ва туман раҳбарлари имзо чеккан, аслида мутлақо ўзлаштирилмаган ёки сув чиқмайдиган ерлар Оҳангаронда анчагина. Жумладан, «Бирлик» жамоа хўжалигида 500, «Янги ҳаёт» ҳиссадорлик жамиятида 150, «Шодималик» ширкат жамоасида 158, «Дўстлик» жамоа хўжалигида 192, «Ғаллақудуқ» давлат хўжалигида 230, «Оҳангарон» ҳиссадорлик жамиятида 222, хуллас, туман бўйича жами 2438 гектар шундай ер бор. Шубҳасиз, бу майдонлар вилоятдаги нуфузли идораларнинг дафтарларида «суғориладиган ерлар» сирасига кирган ва, афсуски, ҳали ҳам худди илгари бўлганидай, юқори ташкилотлар шу дафтарларга қараб, ғалла етиштириш режасини белгилаб бераётир. Шу боис туманда ғаллачилик ҳамон оқсаб келаётир. Жумладан, шу йилнинг ўзида туман бўйича режадаги 23,8 ўрнига гектаридан ўрта ҳисобда атиги 15 центнердан дон олинди. Ялпи ҳосил 44.800 тонна ўрнига борйўғи 16.120 тонна бўлди, давлатга ғалла топшириш режаси 77,2 фоизда қолиб кетди. Бунга юқоридаги қоғозларда «ўзлаштирилган ерлар» сабаб бўлаётгани наҳотки вилоят ва туман раҳбарларига маълум бўлмаса?! Мана шу сансалорлик оқибатида суғориладиган ерлар, жумладан, «ўзлаштирилган» ғалла майдонлари талабга жавоб бермаяпти. Зеро, бу йил «Чотқол» ёрдамчи хўжалигида ҳар гектар ердан режадаги 10,2 ўрнига 3,9 центнер, «Дўстлик» жамоа хўжалигида гектаридан 4,4 центнер, «Шодималик» жамоа ширкатида 8,9, «Ғаллақудуқ» давлат хўжалигида 14,2 цетнердан ғалла ҳосили олинди.

Кўриниб турибдики, вилоятдаги тегишли раҳбарлар туман хўжаликларидаги ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашни тезлаштириш ўрнига ваъдабозликдан нарига ўтолмаётган экан, ғаллакорнинг косаси қандай қилиб оқарсин?!

**Мўмин ҚАЮМ,**
**«Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.**

• *Нуқтаи назар*

***Дарҳақиқат, шундай. Зеро, мамлакатимиз Президенти ҳам Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида минтақалар бўйича ер бонитети баллари асосида мамлакатда ер кадастрини тузиш ва шунга биноан деҳқонлар меҳнатига ҳақ тўлашни йўлга қўйиш пайти келганлигини таъкидлаганлиги бежиз эмас.***

***Мухбиримиз бир қатор илмий-тадқиқот институтлари раҳбарлари, шу соҳа билан шуғулланувчи олим ва мутахассислар билан ушбу талаблар қандай бажарилаётгани хусусида суҳбатлашиб, туркум мақолалар тайёрлади. Қуйида республика пахтачилик илмий-тадқиқот институти бош директорининг ўринбосари Қ. МИРЗАЖОНОВ ҳамда республика тупроқшунослик ва агрокимё институти директори И. ТУРОБОВнинг ушбу соҳага оид фикр-мулоҳазалари билан танишасиз:***

# БОНИТЕТ ВА КАДАСТР

## ЁКИ ҲАР КИМ ЭККАНИНИ ЎРАДИ, ДЕЙМИЗ-У, АММО...

**деҳқонларнинг меҳнатига ернинг табиий унумдорлигига қараб ҳақ тўланмаса, адолат тарозисининг посонгиси бузилади**

### ТУПРОҚ ДЕБ АТАЛМИШ... НОЗИК ПАРДА

— Табиат ато этган ер юзининг энг нозик, энг юпқа бир мўъжизаси борки, уни тупроқ деб атайдилар. Ҳосил берадиган бу парда ҳаммаси бўлиб 20 см.дан 150 см. гача бўлган қатламдан иборат. Агар илмий асосланган деҳқончилик йўли билан оқилона иш олиб борилса, бу нозик пардага зарар етказмай, истаган ҳосилни олиш мумкин. Акс ҳолда деҳқончиликни барбод қилиш ҳеч гап эмас. Ҳаётда бўлган ва бўлаётган ҳодисалар бу фикримизнинг исботидир. Ҳамма мамлакатларда, шунингдек, Ўзбекистонда ҳам ерларнинг иккиламчи турланиши, шамол, сув эрозиялари, оғир тракторлар юравергандидан зичлашиб кетганлигини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Республикамизда 1,5 млн. гектар ер шамол эрозиясидан ўрта ва кучли, 660 минг гектардан кўпроқ ер ирригация эрозиясидан, 40 минг гектар ер жар эрозиясидан зарар кўради. Бундай ерларда ғўза ҳосилдорлиги 5-7 центнер камайган. Тупроқнинг энг ҳосилдор қисми кучли шамоллар таъсирида супурилади, сувдан эса ювилади. Натижада экинлар қайта экилиб, ошиқча уруғ, ёнилғимойлаш ашёлари, ўғит ва дорилар, одам кучи сарф бўлади, эрозиядан атроф-муҳит ифлосланади. Ерларни шўр босишининг экин ҳосилдорлигига акс таъсири ҳақида гапирмаса ҳам бўлади, чунки буни ҳамма билади. Суғориладиган ерларимизнинг эса 52 фоизи шўрланган бўлиб, кенг кўламда мелиоратив тадбирларни ўтказишни тақозо этади.

### НЕЧА МАРТА ЮМШАТГАН МАЪҚУЛ?

Олимларимизнинг аниқлашича, ўсимликнинг, хусусан, ғўза, буғдой, арпанинг яхши ўсиб ривожланиши ва мўл ҳосил тўкиши учун ернинг юмшоқлиги 1,25-1,30 г/куб сантиметр бўлиши керак. Лекин ҳозирги пайтда бу кўрсаткич кўп ерларда 1,40-1,60 г/куб сантиметргача ошиб кетган. Тупроқнинг ҳосил битадиган қатламида зичлик меъёрида бўлишини таъминлаш учун тракторларнинг оғирлигини ва экинга неча марта ишлов бериш лозимлигини қайтадан кўриб чиқишга тўғри келади. Ўзбекистон Республикаси пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг айрим тупроқ типларида олиб борган текширувлари чоғида экинни 18-25 см. чуқурликда 12 марта ўрнига 3-4 марта, 14-16 см. чуқурликда юмшатиш фойдалироқ эканлиги аниқланган. Трактор далада кам юрса, тупроқ доначалари ҳам майдаланиб, чангга айланмайди, қотиб кетмайди. Бу жараёнларга оид тадбирлар ишлаб чиқилган, фақат уни амалда кенг қўллаш керак, холос. Президентимиз Хоразм вилоятида сўзлаган нутқида шуларни эътиборга олиб, «Ер шароити ўта ёмон бўлган зоналарни аниқлаш, мазкур зоналардаги хўжаликларга ёрдам бериш тизимини ишлаб чиқишимиз даркор» деган эди. Бу жуда тўғри ва одилона иш бўлур эди.

Юқорида айтганимиздек, тупроқнинг унумдор қатлами ҳар хил жойлашган. Республикамиздаги айрим хўжалик, туман ва вилоятларнинг ерлари нисбатан яхши, табиатан серҳосил, бошқалари эса мелиоратив жиҳатидан унумсиз, қумлоқ, шағалли, шўр ерлар. Бундай ерлар бошқа давлатларда қадим замонлардан бери алоҳида баҳоланиб, шунга яраша солиқ солинган, ҳақ тўланган. Масалан, Хитойда ерлар сифатини ёзиб борувчи «Эмфанчжи» номли географик ёзувлар бўлиб, у икки минг йилдан бери давом этиб келиб, ҳозир 90.000 томга етган. Бунда тупроқлар учга бўлинган: энг яхши, ўрта ва кам ҳосил берадиган ерлар. Энг яхши ерлардан бир оилага 100, ўртачасидан 200 ва кам ҳосиллигидан 300 Му (1 Му 1500 квадрат метрга тенг) ер ажратиб берилган.

### «БАНЖАР» ВА «ПАЛАЖ»

Тупроқнинг унумдор ёки унумсизлиги қадимдан одамларни қизиқтириб келган. Ерга эътибор Аврангзеб (Ҳиндистон) томонидан ҳам ривожлантирилган. У Бобурдан кейин давлатни бошқарар экан, ҳосилдорлиги ёмонлашган ерларга дам бериш ҳақида буйруқ чиқарган. Унда партов ерларда деҳқончилик қилганларга солиқ солмасликни, вақтинчалик экин экмасликни қаттиқ назоратга олишни буюрган. Унинг ишини давом эттирган Акбар шоҳ Ҳиндистон ерларини учга бўлади: «Палаж» — энг яхши», «Чарчар» — 1-3 йил қора шудгор ҳолида турадиган ва «Банжар» — 5-6 йил партовга ташлаб қўйиладиган ерлар. «Палаж» ерлардан олинган ҳосилнинг учдан бир қисми солиқ сифатида олинган, лекин иккинчи ва учинчи тур ерлардан солиқ олинмаган. Шу ўринда юртбошимизнинг яна бир ҳақ гапини қайтариш жоиз: «Деҳқончиликда эскилик сарқити (СССР даври) сифатида, ҳозиргача мавжуд бўлган «тенглик» ижтимоий ва иқтисодий адолат тамойилларини қўпол равишда бузишдан бошқа ҳеч нарса эмас. Эндиликда бунга чек қўйиш керак. Ана шунда деҳқонларнинг моддий манфаатдорлиги, ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ошади».

Кези келганда яна бир тарихий воқеани эслатиш ўринлидир. XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия подшоси ҳамма губернияларга бир хил солиқ солади. Бундан норози бўлган бир гуруҳ губернаторлар подшога норозилик хати юборишади. Бундан ҳайратланган подшо ўша пайтдаги олимларни тўплаб (Часловский, Веселовский, Докучаев, Менделеев, Тимирязев ва бошқалар) губернияларга бориб ҳол-аҳволни билиб келишга юборади. Олимлар жойлардаги аҳволни ўрганиб чиқиб, кейин бир губерния подзол, яъни унумдорлиги жуда паст бўлган тупроқларда жойлашганлиги, буғдой, жавдар ҳосили 10-12 центнердан ошмаслиги, бошқа губерния ерлари эса қоратупроқли бўлиб, 40-45 центнер дон олинаётганлигини подшога хабар қилишади.

Подшолик шу маълумотлар асосида солиқ соладиган бўлади. Шундан кейин юртда осойишталик ҳукм суради. Ҳукмдор эса олимларни яна тўплаб, камҳосил ерларнинг унумдорлигини ошириш тўғрисидаги илмий ишларни давом эттиришни буюради. Натижада Д. Менделеев Россиянинг турли губернияларида ўғит бўйича географик тажрибалар ўтказиш гуруҳини тузади. В. Докучаев тупроқлар хусусиятини ўз гуруҳи билан ўрганади, уларнинг унумдорлигини баҳолайди (бонитировка), тупроқ харҳиталарини тузади, К. Тимирязев ўсимликлар физиологияси билан шуғулланади.

### УЧГА БЎЛИНГАН ТУПРОҚ

Бу мисолни келтиришдан мақсад Ўзбекистонда ҳам минтақалар бўйича тупроқнинг ҳолати ва унумдорлик даражасини тезроқ аниқлаш зарурлигини таъкидлашдир. Республика ҳудудлари тупроғини учга бўлиш мумкин: саҳро, тоғолди ва тоғ зоналари. Саҳро зонасидаги тупроқлар турли даражада шўрланган, қум-тупроқ, шамол эрозиясига мойил. Бундай ерларда (Масалан, Марказий Фарғона ёки Бухоро вилоятидаги ерлар) экин майдонларини шудгорлаш, пол олиш, бир неча марта шўр ювиш, полни текислаш, ерни ағдармай ҳайдаш, зовур-коллекторларни тозалаб, кейин экин экиш лозим. Тоғолди зонасидаги ерларни эса кузда ўғит бериб, шудгор қилиб қўйса бас. Қумли, шағалли ерларда аҳвол яна бошқача. Ўз-ўзидан маълумки, гектаридан олинадиган ҳосилнинг таннархи ҳам ҳар хил бўлади.

***Президентимиз ўртага қўйган масала моҳияти жиҳатидан жуда муҳим бўлиб, бу соҳадаги ишлар қанчалик тез ниҳоясига етказилса, қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган туб ислоҳотлар шунчалик жадаллашади ва деҳқонлар ўз меҳнатларининг пировард натижасидан амалда моддий манфаатдор бўладилар.***

**Суҳбатни А. ЙЎЛДОШЕВ ёзиб олди.**



***Мирзачўл туман марказий шифохонаси қошида оналик ва болаликни ҳимоя қилиш бўлимини ташкил қилишда бош шифокор Р. Тожиддинованинг ҳиссаси катта.***

**Ш. ИБРОҲИМОВ олган сурат.**

# МУЛК ЭГАСИНИ ТОПДИ

***Навоий вилояти Хатирчи туманидаги «Зарафшон» жамоа хўжалиги ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди.***

Бўлиб ўтган таъсис йиғилишида жамият аъзоларига гувоҳномалар топширилди. Навоий туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги аъзолари ҳам ана шу йўлни танлади.

**(ЎзА).**

# РЕСПУБЛИКА ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ КОМИССИЯСИДА

Республикамизда доимий фаолият кўрсатувчи айирбошлаш шохобчалари тармоғи вужудга келтирилган. Мазкур шохобчалар уларнинг узлуксиз ишлашига имкон берадиган даражада пул маблағлари билан таъминланмоқда.

Бироқ айрим валюта айирбошлаш шохобчаларида валюта-айирбошлаш операцияларини амалга ошириш қоидаларининг жиддий равишда бузилишига йўл қўйилган. Аниқланган камчилик ва суиистеъмолликлар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борилмоқда.

Шу муносабат билан валюта-айирбошлаш операцияларини амалга ошириш учун марказлаштирилган тартибда эркин муомаладаги валюта ресурслари билан таъминланадиган ваколатли банклар сонини 12 тадан 2 тага қисқартириш мақсадга мувофиқ деб топилди. Эндиликда бундай ваколат фақат Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва «Ўзсаноатқурилишбанк»ига берилган. Юқорида кўрсатиб ўтилган нақд ҳолдаги қўшимча валюта маблағларини олувчи айирбошлаш шохобчалари сони тегишли равишда 95 тадан 39 тага қисқартирилади, шундан 23 айирбошлаш шохобчаси Тошкент шаҳрида жойлашган.

**Шу билан бирга айирбошлаш шохобчалари орқали сотиш учун ажратиладиган давлат валюта ресурслари ҳажми олдинги даражада сақланиб қолади. Қолган айирбошлаш шохобчалари ўз ваколатли банкларининг валюта ресурлари доирасида ишлайдилар.**

Мазкур чоралар валюта-айирбошлаш операциялари устидан назоратни кучайтириш мақсадида амалга оширилмоқда. Марказий банк, ваколатли банклар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан мазкур масалада зарур тартибни ўрнатиш бўйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Тошкент шаҳрида ва ҳудудларда жойлашган ҳамда марказлаштирилган тартибда эркин муомаладаги валюта билан таъминланадиган айирбошлаш шохобчаларининг манзиллари илова қилинади.

**Тошкент шаҳридаги марказлаштирилган тартибда маблағ билан таъминланадиган айирбошлаш пунктларининг ЖОЙЛАШИШИ**

| Т/р | Рўйхатга олиш номери | Банк муассасасининг номи | Манзили: Туманлар | Манзили |
|---|---|---|---|---|
| | | **ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК** | | |
| 1 | 0531 | Собир Раҳимов бўлими | Собир Раҳимов | А. Бобожонов к., 100 |
| 2 | 0524 | Акмал Икрамов бўлими | Акмал Икрамов | Фарҳод к., 12 а |
| 3 | 0505 | Чилонзор бўлими | Чилонзор | Бульварная -Ц к. |
| 4 | 0513 | Сирғали бўлими | Сирғали | Проектная Г-38 к. |
| 5 | 0515 | Сирғали бўлими | Сирғали | почта бўлимида |
| 6 | 0501 | Ҳамза бўлими | Ҳамза | Гогол Ц-16 |
| 7 | 0523 | Юнусобод бўлими | Юнусобод | Амир Темур к. 89 |
| 8 | 0520 | Миробод бўлими | Миробод | Туркистон к. 10 |
| 9 | 0502 | Яккасарой бўлими | Яккасарой | У. Носир к. 61 |
| 10 | 0539 | Қатортол бўлими | Чилонзор | Қатортол к. 30 |
| 11 | 0506 | Авиасозлар бўлими | Ҳамза | М. Ҳасанова к. 5 |
| 12 | 0517 | Ракат бўлими | Яккасарой | Горбунова к. 2а |
| 13 | 0566 | Шахристон бўлими | Юнусобод | Чинобод к. 49 |
| 14 | 0509 | Нодирабегим бўлими | Шайхонтоҳур | Ц-14, 19-уй |
| 15 | 0575 | Меҳнат бўлими | Мирзо Улуғбек | Пушкин к. 5 |
| 16 | 00 | Мирзо-Улуғбек бўлими | Мирзо Улуғбек | Истиқлол к. 25 |
| 17 | 0571 | Мирзо Улуғбек бўлими | Мирзо Улуғбек | Доғистон к. 56 |
| 18 | 00 | Тошкент вилоят бўлими | Шайхонтоҳур | Абай к. |
| 19 | 00 | Бектемир бўлими | Бектемир | Бойқаро к. 4а |
| | | **ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ** | | |
| 20 | 0201 | Марказий Оператив бошқарма | Миробод | Гогол к. 95 |
| 21 | 0231 | Тошкент шаҳар бўлими | Миробод | Шевченко к. 29 |
| 22 | 0259 | «Сарвар-савдо» дўкони | А. Икромов | Зиё Саид к. 187 |
| 23 | 0254 | «Раис Ханум» хус. к | С. Раҳимов | Қора-қамиш мав. 1/4 25-уй |

**Бевосита ваколатли банклар муассасаларида фаолият юритувчи, марказлаштирилган тартибда маблағ билан таъминланадиган айирбошлаш пунктларининг ЖОЙЛАШИШИ**

| Тартиб рақами | Рўйхатга олиш номери | Банк муассасасининг номи | Манзили: Шаҳар | Манзили |
|---|---|---|---|---|
| | | **ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ** | | |
| 1 | 0201 | Қорақалпоқ рес. бошқармаси | Нукус шаҳри | Дўстназаров к.24 |
| 2 | 0201 | Андижон вил. бошқармаси | Андижон шаҳри | Навоий шоҳ к. 39 |
| 3 | 0201 | Бухоро вил. бошқармаси | Бухоро шаҳри | Муҳаммад Иқбол к. 3 |
| 4 | 0401 | Жиззах вил. бошқармаси | Жиззах шаҳри | Ш. Рашидов к. 57 |
| 5 | 0201 | Қашқадарё вил. бошқармаси | Қарши шаҳри | Ўзбекистон к. 219 |
| 6 | 0502 | Навоий вил. бошқармаси | Навоий шаҳри | Халқлар Дўстлиги шоҳ кўчаси |
| 7 | 0208 | Наманган вил. бошқармаси | Наманган шаҳри | Намангоний к. 10 |
| 8 | 0201 | Самарқанд вил. бошқармаси | Самарқанд шаҳри | Фирдавсий к. 7 |
| 9 | 0201 | Сурхондарё вил. бошқармаси | Термез шаҳри | Ал. Термизий к. 1 |
| 10 | 0501 | Сирдарё вил. бошқармаси | Гулистон шаҳри | Ал-Хоразмий к. 24 |
| 11 | 0201 | Фарғона вил. бошқармаси | Фарғона шаҳри | Ал-Фарғоний к. 69 |
| 12 | 0201 | Хоразм вил. бошқармаси | Урганч шаҳри | Фаёзова к. 1 |
| | | **ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК** | | |
| 13 | 0402 | Навоий вилоят бўлими | Навоий шаҳри | Халқлар Дўстлиги к. |
| 14 | 0403 | Чирчиқ бўлими | Чирчиқ шаҳри | Межканальная к. 1 |

• *«Халқ сўзи»га келган мактублардан*

# СОВУҚҚОНЛИК ТОКАЙГАЧА?

**Бухоро вилоятида кўзи ожизларга хизмат кўрсатувчи маданий-маърифий муассасалар бармоқ билан санарли.**

***Ҳаммаси бўлиб вилоят бўйича тўртта кутубхона, учта даъватхона бор. Улар малакали мутахассислар билан таъминланган. Аммо бу маданий-маърифий муассасаларнинг бир меъёрда ишлашлари учун қатор қийинчилик ва муаммолар мавжуд.***

Биринчидан, кўзи ожизлар учун махсус адабиётларни сотиб олишга кўп йиллардан бери тегишли ташкилотлар маблағ ажратмай қўйишган. Шу туфайли кутубхоналарда янги адабиётлар йўқ ҳисоби. Иккинчидан, маданий-маърифий муассасаларнинг барчаси мослаштирилган биноларда жойлашмаган. Учинчидан, ҳамма бинолар тор ва таъмир талаб — ниҳоятда ночор. Масалан, Бухоро шаҳар Файзулла Хўжаев тумани маданият бўлимига қарашли кўзи ожизларнинг Абу Абдулла Рудакий номидаги даъватхонаси эски масжидда жойлашган. У ниҳоятда хароб ҳолатда. Унинг кўргазмалар залига эса киши киришга қўрқади. Чунки у ер тор, қоронғу бўлиб, ҳеч бир шарт-шароитга эга эмас, аксинча, том шувоқлари кўчиб тушиш арафасида. Бу етмагандай, қиш кунлари иситилмайди ҳам.

Кўзи ожизларнинг Бухоро шаҳридаги махсус кутубхонаси учун эса эски мадрасининг ташландиқ, таъмирталаб биноси ажратиб берилган. Бу бинода ишлаш учун ҳеч қандай шароит йўқ. Шу боис улар ўз фаолиятларини тўрт қаватли турар-жой биносининг биринчи қаватидаги уч хонали уйда давом эттиришмоқда. Ғшофиркон маданият уйи ва кутубхонаси эса битта ном билан юритилиб, уларга ҳам ўзлари ишлаб турган жой ниҳоятда торлик қилади. Ғиждувон шаҳар кўзи ожизлар маданият уйи ҳам турар-жой биносида жойлашган. Қатор йиллардан буён кўзи ожизларнинг Бухоро шаҳар даъватхонаси ва Вобкент тумани кутубхонаси тегишли ташкилот мутасаддиларининг айби билан ҳеч бир матбуот нашрларига обуна бўлмай қўйган. Шуни алоҳида таъкидлашимиз лозимки, вилоятдаги кўзи ожизлар жамиятининг барча маданий-маърифий муассасалари Бухоро вилояти ҳокимлиги маданият ишлари бошқармасига қарашли. Аммо бу мутасадди ташкилотлар негадир маданият ўчоқларига нисбатан ўта эътиборсизлик ва ўгай кўз билан қараб келишмоқда. Ҳолбуки, улар бу соҳадаги барча қийинчиликлар ва ечимини кутаётган муаммолардан хабардорлар. Бу муаммоларни бартараф қилишни сўраб, тегишли ташкилотларга, ҳатто ҳокимликларга ҳам ёзма равишда мурожаат қилганмиз. Илтимосларимиз эса қоғозларда қолиб кетаяпти. Муаммолар эса камайиш ўрнига кўпайиб бормоқда. Ваҳоланки, кўзи ожизларнинг вилоят миқёсидаги махсус кутубхонасига асос солиш тўғрисидаги таклифлар ҳар йили ўртага қўйилади. Аммо бунга ҳеч ким эътибор бермайди.

Бу орада республикамизнинг бир қанча вилоятларида шундай кутубхоналар бунёд этилиб, улар чиникамига услубият марказларига айлантириб юборилди. Уларнинг моддий-техника базаси ҳам мустаҳкамланди. Узоққа бормай, Қашқадарё вилояти кўзи ожизлар махсус кутубхонаси ишини мисол қилиб олайлик. Уларнинг бинолари ҳам дуруст, ходимлари ҳам етарли. Моддий-техника базаси эса мустаҳкам. Самарқандда ҳам худди шу манзарани кўришимиз мумкин. Бу ерда эса эътиборсизлик, совуққонлик... Вилоят ҳокимлиги маданият ишлари бошқармасининг бошлиғи Моҳира Фармонованинг ўз ишига, айниқса, иш юзасидан мурожаат қилувчиларга ўта лоқайдлиги туфайли кўпгина муаммолар ўз ечимини топмасдан қолиб кетаётир. Унинг ўзи ҳам, қўл остидаги ходимлари ҳам кўзи ожизлар жамиятидаги ҳақиқий аҳвол ва нохуш манзара билан мутлақо таниш эмас. Шуни айтсалар керакда, «Қорни оч билан қорни тўқнинг нима иши бор» деб.

**Акбар ҲАЙДАРОВ,**
**Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти Бухоро вилояти бошқаруви кенгаши раисининг ўринбосари.**

